

ЎЗБЕКИСТОН



OVYOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 2-dekabr • Shanba • 143 (27.634) • www.uzbekistonovoz.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз иштини давом эттирди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари ишни «Ўзбекистон Республикасининг Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан бошлади. Кириштирилган қўшимчалар транспорт воситасини бошқариш вақтида телефончилик айби билан юз берадиган авария ҳолатларини камайтиришга йўналтирилганлиги кайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Кириштирилган қўшимчалар сўнги йиллар мобайнида иқтисодийта солик юқини исчилик билан камайтириш бориш, солик солиш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш, солик имтиёзларини оптималлаштириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш юзасидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам маъқулладилар. Бунда улар киритилган қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш

имконини беришини кўрсатиб ўтилди.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Уни муҳокама қилиш чоғида қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги ва 2005 йил 23 июндаги «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижро этиш учун ишлаб чиқилганлиги ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатларини белгилашга, улар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, ижтимоий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.



ли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузилган Уставага (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжати ва маъқулладилар. «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставага тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Маро-

каш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжати ва маъқулладилар. «Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мос эканлигини кайд этдилар.

Сенат аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари қонунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонунда 25 октябрни Ички ишлар идоралари ходимлари куни деб белгилаш назарда тутилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

каш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжати ва маъқулладилар.

Республикамизнинг ушбу халқаро ҳужжатларга қўшилиши «Ўзбекистоннинг Умумжаҳон почта иттифоқи (УПИ) ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи (ХЭАИ) доирасидаги фаолиятини янада кучайтиришга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар бу Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мос эканлигини кайд этдилар.

Сенат аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари қонунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонунда 25 октябрни Ички ишлар идоралари ходимлари куни деб белгилаш назарда тутилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирнома сифатида қарор қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин:
- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшга тўлган эркаклар;
- г) чет эл фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик оқсидида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки, унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсинлик қилаётган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум

- этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
5. Таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиди тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.
7. Мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган

шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйдагича қисқартирилсин:

- а) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;
- б) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига.
8. Таъбиқ этилмасин:
- а) мазкур Қарор — ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибиди жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;
- б) мазкур Қарорнинг 1-4, 6, 7-бандлари — таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиди тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.
9. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.
10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бўриш Мустафоев Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тўрабек Турсунбекович Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Уктам Холмирзаевич Холиқов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқуллода ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Исан Муртазович Мустафоев Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқуллода ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 1 декабрь.

«ҲУЖЖАТЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНГАН»

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг сиёсий партиялар родини кучайтиришга қаратилган қонунчилик ташаббуси ҳамон ўз акс-садоларини бермоқда. Уларда турли мамлакатларнинг жамоат ва сиёсат арбоблари мазкур ҳужжатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишган.

Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурдаги Москва давлат халқаро муносабатлар институти (МГИМО) профессори, тарих фанлари доктори Виктор Кувалдиннинг қайд этишича, Президент Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган қонун лойиҳалари мамлакатни янгилаш ва янада демократлаштиришда партияларнинг родини кучайтиришга қаратилган бўлиб, у энг аввало, жамият

билан алоқадорлик механизmlарини такомиллаштириш ва фаоллаштириш нуқтаси назардан муҳим аҳамият касб этади.

— Фарбда демократия аслар давомида барпо этилган. — деди россиялик олим. — Буни ҳисобга олган ҳолда ҳаракатланиш йўналишини ва бир вақтнинг ўзида барча қарорлиқни ҳам сақлаб қолиш керак. Бу ислохотлар суръатидан кўра анча муҳимроқдир.

МДХ мамлакатлари институтининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўлими бошлиғи Андрей Грозин Ўзбекистондаги сиёсий ислохотлар минтақани айрим бошқа мамлакатлари билан солиштиришда барқарор, исчи ва босқичма-босқич равишда амалга ошириладиганига эътибор қаратди.

Яқинда АҚШ Давлат департаменти томонидан «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатида Ўзбекистоннинг ҳам санаб ўтилгани мамлакатимизда бўлиб, бугунги ҳаётимизни ўз кўзи билан кўрган қўллаб-қўрғувчи сиёсатимизнинг давлат арбобларини ҳам ҳайратга солаётгани оммавий ахборот воситаларидан бизга маълум.

Юртдошларимиз эса океан ортидан туриб тарқатилган бу бўҳтонни мамлакатимизнинг виждон эркинлиги кафолатланган, диний қариялар юксак ривож топаётган бугунги кунига нисбатан ноҳалис, нотаъбиий қараш эканлигини айтишмоқда.

Эгамназар ҳожи ҚОДИРОВ, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ЎзХДП фаоли:

— Юртимизда динга бўлган эътибор ҳозир ҳар қачонгидан баландлиги мамлакатимизда бўлган,

нияти ҳолис ҳар бир инсонга маълум. Мустақилликдан сўнг миллатимиз, динимиз зулматдан зигба қикди, десам тўғри бўлади. Чунки шўро даврида дин, айниқса, ислом бутунлай чекланган эди.

Ҳамюртларимиз ҳамто яқин кишининг жанозасида қатнашиш оламасди. Жанозага борган киши аввал ишончасида, сўнг партия мажлисида муҳокама қилинарди. Масжидга бориш ҳам хавфли эди.

Бугун динимиз қадр топди. Хар ким эмин-эркин эътиқод қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Масжидларимизни айтмаймишми? Яна бир гап, мустақилликка биз маҳалламиздан ҳажга борган битта ҳам кишини тополмасдик. Бугун бизнинг, яъни Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида 19 та хожи бор, яқинда яна беш нафари умра сарфарига бориб келди. Бу мисоллар динга бўлган муносабатнинг

ёрқин нишониси эмасми?

Зулматдан зигба қикдик, деганимнинг сабаби ҳам шунда. Яъни, динимизга, урф-одатларимизга қайтдик. Яна бир нарсани айтиб ўтай. Собик шўро даврида улуг боболаримиз номлари қораланиб, қадамжолари омборхонага айлан-тирилганди. Мен раҳматли онамни Баҳоруддин Нақшбанд ва имом Бухорий ҳазратларининг мақбараларига яширишга, ярим тунда зияратга олиб борганман. Онам умрларининг охиригача «ўғлим мени Ўзбекистоннинг «ҳаж»ларига олиб борди» деб дуо қилиб ўтдилар. Бугун эса муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан барча муқаддас жойлар обод эти-

либ, қадамжолар зияратгоҳга айлантирилди.

Бизнинг ўзбек халқида миллатчилик деган нарсга йўқ. Юртимизда бошқа дин вақилларига ҳам катта шароит яратилган. Масалан, шаҳримиздаги муҳташам черков ва ибодатхоналар қурилиши ёки қайта тикланишига ҳам давлатимиз катта ёрдам берди. Бухорий ҳазратларининг мақбараларига яширишга, ярим тунда зияратга олиб борганман. Онам умрларининг охиригача «ўғлим мени Ўзбекистоннинг «ҳаж»ларига олиб борди» деб дуо қилиб ўтдилар. Бугун эса муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан барча муқаддас жойлар обод эти-

2-бет

O'zbekiston havo yo'lari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар яқинлашган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz
Хизматлар яқинлашган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz
Хизматлар яқинлашган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар яқинлашган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING SAKKIZINCHI YLPI MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT



(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирини Б.Мустафоевнинг Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларни ижро этишининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Адлия органлари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш мақсадидан муайян ишларни амалга ошираётганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу иш доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан прокуратура ва судловни амалга ошириш органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мониторингини амалга оширилди. Айни вақтда давлат бошқару-

ви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларни ижро этишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, айрим қонун нормаларини амалга ошириш механизмларидаги камчиликлар, шу жумладан тегишли қонуности ҳужжатлари ўз вақтида қабул қилинмаганлиги туфайли улар ишламаган ва бу ҳол ҳуқуқни қўлловчи органларга ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш мақсадидан муайян ишларни амалга ошираётганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу иш доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан прокуратура ва судловни амалга ошириш органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мониторингини амалга оширилди. Айни вақтда давлат бошқару-

юришти ишларини анча яхшилаш тақозо этилди.

Муҳокама пайтида Сенат аъзолари қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз мулоҳазалари, аниқ тақлифларини билдирдилар, Адлия вазирлигининг давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини мониторинг қилиш борасидаги ишларини яхшилашга қаратилган тавсияларини ишлаб чиқдилар. Сенат ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш масаласини кўриб чиқдилар. Илгари Ўзбекистон Республикасининг адлия вазирини бўлиб ишлаган Бўришо Мустафоев Олий суд раиси этиб сайланди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди тарихига ўзгаришлар киритиш масаласини қам кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Бельгия қироллигидаги Факулдда ва Мухтор Элчисини тайинлаш масаласини кўриб чиқдилар.

Ўли мажлисида сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисида Сенат ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг саккизинчи олий мажлисида ҳаммаси бўлиб 24 та масала кўриб чиқилди, уларни муҳокама қилишда 65 нафар сенатор сўзга чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи йили мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

«ЁЛФОН СЎЗ, ЁЛФОН ГУВОҲЛИК — ЭНГ КАТТА ГУНОҲ»

ЁКИ ИГВО-Ю УЙДИРМАДАН МАҚСАД НИМА?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Абдулҳаким ЖУЗЖОНИЙ, Тошкент ислом университети ислом ҳуқуқи кафедраси мудири:

— Ўзбек давлатчилиги тарихига назар солинса, диний бағрикенглик, виждон ва эътиқод эркинлиги асосий принцип ва давлат сиёсати даражасига кўтарилиб келинганига ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, Қушонарлар даврида зарб қилинган тангаларнинг бир томонида будда дини — давлат расмий диннинг рамзи бўлса, иккинчи томонида бошқа бир диннинг рамзи акс этган. Араб тарихчилари ёзадики, ислом дини кириб келганда Бухорода турли дин тарафдорлари бўлган: будда, зардуштийлик, насронийлик, моний ва шоманизм каби. Мана шуларнинг тарафдорлари бири бири билан аҳил, тинч-тотув яшаганлар.

Хоразмшоҳлар давлатида ҳам виждон эркинлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг гувоҳи бўлган. Мана яқинда Маъмур академиясининг 1000 йиллиги нишонланди. Унда фаолият кўрсатган йирик сиймолар — Ибн Сино, Беруний, Ибн Ироқлар қаторида иккита машҳур христиан олимлари бор эди. Булар — Абу Сахл Масихий, Абул Хайр Хаммор. Масихий — бу христиан дегани. У Берунийнинг Ибн Ироқдан кейинги иккинчи устози бўлади. Улар бир академиянинг аъзоси сифатида

кўп йиллар бирга ишлаган, дўстона яқинлик қилган. Бундан ҳам ортқ мисол бўлади-ми? Ёки Темурийлар даврини олайлик. Султония черкови (Озарбайжон)нинг руҳонийси Амир Темурнинг давлат элчисини сифатида Оврупага юборилган. У ўзи поп бўлса-да, Темурнинг бағрикенглигини кўриб унга катта ихлос қўйган. Мана шуларга асосланиб айталикки, дин аҳлига эътибор тарихда ҳам юксак қадрият даражасига кўтарилган. Фақат собиқ Шўро тузуми даврида барча динлар, хусусан, ислом дини ҳам тақиқланган эди.

Мамлакатимиз мустақил бўлгач, динларга ҳам эркинлик берилди. Ўзбекистон Конституциясининг муқаддасида «Ўзбекистон халқи...Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибига таяниб» мазкур Конституцияни қабул қилади, деб ёзиб қўйилган. Қолаверса, мамлакатдаги бағрикенглик, виждон эркинлигининг инъикосини Конституциянинг 31-моддасида кўра-миз: Унга қўра, «Хамма учун виждон эркинлиги қарантилланди. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга...» деб таъкидланади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Ўзбекистоннинг ҳеч бири қонунида виждон эркинлиги, эътиқод ва дин эркинлигини қалбдор бирор-бир модда йўқ. Мана, ҳозирда мамлакатда 2200 дан ортқ

диний ташкилотлар мавжуд, 18 та диний конфессия фаолият кўрсатмоқда. Рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг ҳаммаси бугунги кунда эмин-эркин, мустақил фаолият олиб бормоқда.

Ҳўш, сабаби нимада, нима учун АҚШ давлат департаменти томонидан эълон қилинган рўйхатга Ўзбекистон номи киритилди? Бунинг сабаби шунки, Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудида асосий давлат, унинг қалби. У мустақил равишда ўз йўлини топиб, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маданий нуқтаи назардан ривожланиб, дунё микросиёсатида катта эътиборга эга бўлиб бормоқда. Шунинг кўра, қабул қилинган ўзларнинг хоҳиш-истаклари Ўзбекистонда амалга ошмаганидан куйишади. Ифвогарлик сиёсатини олиб бориб, халқро қабул қилинган конвенцияларга ва умумжаҳон микросиёсатида эътибор этилган нормаларга хилоф равишда давлатнинг ички ишига аралашади.

Мен бир ҳуқуқшунос олим сифатида АҚШ давлат департаменти томонидан эълон қилинган даъвои иғво деб ҳисоблайман ва уни қоралайман.

Анвар қори ТУСУНОВ, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби:

— Бисмиллоҳир Раҳмон Раҳийм. Пайгамбаримиз Мухаммад саллоҳу алайҳи ва саллам «Ёлфон сўз, ёлфон гувоҳлик — энг катта гуноҳ» деб марҳамат қилганлар. Ўзбекистонимизнинг, алхамдулиллоҳ мустақил бўлганидан кейин

ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан тараққиёти мисли кўрилмаган даражада ўсди. Хусусан, дин ва эътиқод эркинлиги Конституция билан қарантилланди ва бу амалий суратда кўриниб турибди. Ҳамма жиҳатдан, масалан масжидларимиз сони кўплиги, мадрасаларда талабаларимизнинг қўйиётганлиги, юз минглаб ҳожиларимизнинг ҳажга бориб келишлари — буларнинг ҳаммаси юртимиздаги диний эркинликнинг очик кўринишидир. Буни ҳеч ким рад қилолмайди.

Курьони қарим ўз она тилимида бир неча маротаба тафсири қилинди, имом Бухорий китоблари, имоми Аъзам мазҳабларидаги аъзолар китобларининг таржима-тафсири қилиниши, Ҳайит қўнларининг дамолиш кунини деб эълон қилиниши, диний ва миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни беэътибор қилаётганлигини бутун дунё кўриб турибди. Мана шундай ҳайрли, савобли ишлар амалга ошириляётган бир пайтда бундай гаразли даъвои қилиш — ҳолис фикр эмас, балки маълум бир гуруҳларнинг Ўзбекистонимизни кўралаётган ҳасадчиларнинг иши деб биламиз. Ва яна шунинг таъкидламоқ лозимки, бундай гаразли муносабат замирида анча ёвуз мақсадлар яширинган. Бу бўлхонга Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси ҳам ўзининг муносабатини билдирди, уларимиз, мана мен Тошкент шаҳри бош имом-хатиби сифатида бунга норозилик эълон қиламан.

Ўзбекистонда 2 мингга яқин масжид бўлса, Тошкент шаҳрида 114 та жомеъ масжиди фаолият кўрсатапти. Лекин сифати жиҳатдан уларни илгариги шўро даврига нисбатан мутлақо таққослаб бўлмайди. Уша пайтларда шўро сиёсати учун 5-6 та масжид қад ростлади, ҳажми ҳам, сифати ҳам, у ерда мусулмонларнинг эркинлиги ҳам илгариги даврга қараганда ҳеч таққослаб бўлмайдиган даражада. Бунинг чет эълликлар ҳам эътибор этишапти. Шундай бўлгандан кейин буларни ҳаммамиз билки қўйишимиз, бошқа дин вақилларига бизда нихоятда бағрикенглик билан муносабатда бўлинаётганини бутун дунёга айтишимиз керак. Чунки, Пайгамбаримизни беэътибор қилаётганлигини бутун дунё кўриб турибди. Мана шундай ҳайрли, савобли ишлар амалга ошириляётган бир пайтда бундай гаразли даъвои қилиш — ҳолис фикр эмас, балки маълум бир гуруҳларнинг Ўзбекистонимизни кўралаётган ҳасадчиларнинг иши деб биламиз. Ва яна шунинг таъкидламоқ лозимки, бундай гаразли муносабат замирида анча ёвуз мақсадлар яширинган. Бу бўлхонга Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси ҳам ўзининг муносабатини билдирди, уларимиз, мана мен Тошкент шаҳри бош имом-хатиби сифатида бунга норозилик эълон қиламан.

Шу ўринда яна бир гап. Биз уламолар давлатимизга, динимизга нисбатан айтилган нотўғри, ёлфон ҳамда тумхатда иборат қарашларга қарши курашишимиз, динлар ва миллатлар ўртасига раҳна солишга қаратилган бундай қалтис, ноҳож уришларга ҳам сўзга, ҳам амалда қатъий туришимиз лозим.

Матназор ЭЛМУРОВОВ, Зейиниддин МАМАДАЛИЕВ ёзиб олди.

• ЎзХДП ҳаёти

ҚОНУН ТАРФИБОТИДА ФАОЛЛАР БУРЧЛИДИР

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши пленуми қатнашчилари фикри бир жойдан чиқди

Пленумда «Ўзбекистон ХДП МК V пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилишини муносабати билан ЎзХДП кенгаши ва ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вилоят партия ташкилотлари ва депутатлик билан шакллаларининг галдаги вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi масала бўйича вилоят кенгаши раиси Р.Сабуров маъруза билан чиқди. Нотик пленум ишторқчилари — партиядан сайланган депутатлар, партия етакчилари ва фаоллари эътиборини биринчи навбатда мазкур қонунлар лойиҳалари билан бутун электоратни ҳамда халқ оммасини чуқур таништиришга қаратди. Негаки, бугун Юртбошимиз томонидан демократик жараёнларнинг кенг ислоҳ қилиниши ва бунда сиёсий партияларнинг роли ошириляётгани барчамизга билдирилляётган ишонч ва айни дамда масъулиятдир, — деди нотик. Шу билан бир қаторда партиядан сайланган маҳаллий депутатлар депутатлари фаолиятига, уларнинг сустиглига эътибор қаратилди. Воҳада ичимлик суви, коммунал тўловлар каби муаммолар мавжудлигига қарама-қарсидан депутатлар бирор марта бу масалани кўтариб чиқилгани йўқ.

Пленумда кун тартибидagi масала муҳокамаси қизгин ўтди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи раҳбари З.Қўқоров, Урганч шаҳридаги 18-сон мактаб директори, депутат М.Алимова, Урганч туман партия кенгаши раиси Х.Васанов ва бошқалар қонунлар лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдириш билан бир қаторда, уларни барча қатламларда кенг тарғиб қилиш долзарб масала эканлигини таъкидлашди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раиси А.Рустамов пленумда сўзга чиқиб, юқоридagi қонун лойиҳалари юзасидан кенг шарҳ берди, фракциянинг айни пайтда олиб бораётган фаолиятига ҳам тўхталиб ўтди.

Пленумда қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Шу кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раиси А.Рустамов Хива туманида партия фаоллари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан учрашиб, Юртбошимиз ташаббуси билан сиёсий майдонга чиқариляётган икки муҳим қонун лойиҳаси юзасидан суҳбатлашди.

Рўзимбой ХАСАН
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ ИМКОНИАТЛАР

ПАРТИЯМИЗНИНГ ЯНАДА ФАОЛЛАШУВИГА, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ҲАМДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ ВА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг IV пленумида қатнашган партиянинг вилоят кенгаши аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари, шаҳар ҳамда туман кенгашлари раислари яқдиллик билан шундай хулосага келдилар.

Пленумда «Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилишини муносабати билан вилоят партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Мазъуза муҳокамасида сўзга чиққан партия фаоллари янги қонунчилик ташаббусининг фойда муҳим эканлиги, у давлат бошқарувини янада демократлаштиришда мавжуд сиёсий партияларнинг ролини кучайтириб, уларга бир қатор ҳуқуқий ваколатлар бериши билан бир қаторда ушбу масалаларда масъулиятини янада кучайтиришини ҳам таъкидлаб ўтилди.

Мазъуза муҳокамасида сўзга чиққан партия фаоллари янги қонунчилик ташаббусининг фойда муҳим эканлиги, у давлат бошқарувини янада демократлаштиришда мавжуд сиёсий партияларнинг ролини кучайтириб, уларга бир қатор ҳуқуқий ваколатлар бериши билан бир қаторда ушбу масалаларда масъулиятини янада кучайтиришини ҳам таъкидлаб ўтилди.

Шу кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раиси А.Рустамов Хива туманида партия фаоллари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан учрашиб, Юртбошимиз ташаббуси билан сиёсий майдонга чиқариляётган икки муҳим қонун лойиҳаси юзасидан суҳбатлашди.

Рўзимбой ХАСАН
«Ўзбекистон овози» мухбири

ғояларини, унинг мақсад-муддаларини электоратимиз онгига сингдиришга муносиб ҳисса қўшаётганлари, жойларда электоратимиз манфаатларини дадиллик билан ҳимоя қилаётган фаолларимиз ва депутатларимиз ҳам, фақат номигагина фаолият кўрсатаётганлари ҳам бор. Шу ўринда қонунларнинг янги лойиҳаларни мазмун-моҳиятини партиянинг ҳар бир аъзоси, электоратимизнинг ҳар бири вақилига етказишдек жиддий ишга ўта масъулият билан ёндашишимиз кераклигига, бу борада тегишли тадбирларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишда партия кенгашлари, депутатлик гуруҳларининг фаоллигини, ташаббускорлигини оширишга эришимиз зарур.

Ботир УЗОҚОВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали ходими:

— Мамлакатимизда, таъбир жоиз бўлса, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиляпти. Бундай пайтда сиёсий партиялар муҳим институт ҳисобланади ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда улардан ҳар қачонгидан кўпроқ фаоллик, ташаббускорлик талаб қилинади. Афсуски, ҳозирча вилоятимиз партия кенгаши бу йўналишдаги ишларидан қониқ ҳосил қилиш қийин. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳларининг электоратимиз ҳаёти ва фаолиятига доир муаммоларни кўтариб чиқиш, уларнинг ечимини топишдаги ҳаракатида жонлини сезилмаган. У ёки бу масала бўйича ташаббусларнинг ҳали-ҳануз юқоридан бўлаётганини, қуйи бўғинда ҳамон ташаббускорлик этишмаётганини ҳам оқлаш қийин. Сиёсий партиялардан сайланган депутатларимизнинг ўз сўйловчилари, партияси олдидagi масъулияти, ҳисобдорлиги тўғрисида ҳам яхшилаб ўйлаб қўриш зарурга ўхшаяпти.

Қолаверса, ҳар бир депутатимиз, фаолимиз миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботини ҳар бир партиядошимиз, электоратимиз вақиллари онгига сингдиришга интилмас, бу масалаларда эса партия доимий ўқувларидан ўринли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шундангина сиёсий сифатида обрўйимиз ҳам, маъқимиз ҳам биз истагандай бўлиши мумкин.

Маматқул ИНОМОВ, «Нуроний» жағмаси Жиззах шаҳар бўлими раиси, ЎзХДП фаоли:

— Қонунчилик ташаббуси, қонунлар лойиҳалари мамлакат ҳаётида сиёсий партиялар ролини кучайтиришда янги ҳуқуқий имкониятлар яратилиши инобатта олган ҳолда жойларда бу ҳужжатларнинг тарғиботини тўғри ташкил этишга, уларнинг мазмун-моҳиятини электоратимиз бўлган қилларнинг онгига етказишга алоҳида аҳамият берсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишда жамоатчилик вақиллари, жағғармалар, нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан бихамжихат ҳаракат қилсак, қўзланган натижаларга эришимиз оsonроқ кечеди, деб ўйлайман. Партияимизнинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада кучайтиришимиз, қонунлар лойиҳалари тарғиботини ҳам уларга таяниб фаолият кўрсатишимиз маъқул кўринади.

Пленумда қўзда тутилган масалаларни аълаларга таъкидлаш юзасидан партия ташкилотлари учун аниқ йўналишлар белгиланган қарорлар қабул қилинди. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, сиёсий ўқувлар жадвали ва сиёсий ўқувлар бўйича семинарлар ўтказишга оид ишлар бўйича келишиб олинди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ҲУЖЖАТЛАРДА ЎЗБЕКISTONНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНГАН»

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Муҳими. Ўзбекистон ислохотларни амалга оширишда миллий хусусиятларини, миллий ўзига хосликни инобатга олган ҳолда ўз йўлидан бормоқда, — дейди таъкидлади А.Грозин. — Чунки бу омилдан кўз юмиш мақсадга мувофиқ эмас. Акс ҳолда у ҳатто ҳавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Биз буни айрим мамлакатларнинг мисолида кўриб турибмиз.

Украиналик машҳур сиёсатшунос, Европа интеграция ва тараққиёт институтининг директори, Украина Олий Радаси депутати Дмитрий Видриннинг фикрича, Президент И.А.Каримов томонидан киритилган сиёсий партиялар ролини кучайтиришга йўналтирилган қонунлар лойиҳалари жуда демократик бўлиб, улар парламентаризм тараққиёти тамойилларига жавоб беради.

— Уинстон Черчилдининг демократия — энг яхши жамият қурилиши эмас, бироқ жамият ҳозирча ундан яхшироқини ўйлаб топгани йўқ, деган сўзлари бугун кўп такорланмоқда, — дейди олим. — Ана шу фикрнинг бироз ўзгаришиб, парламент ва сиёсий партиялар кўпинча жамиятнинг демократлаштиришининг энг яхши воситаси бўла олмади, уларнинг устидан қўллаб шикоятлар бор, аммо улардан яхшироқ воситанинг ўзи ҳам ҳозирча йўқ, дейиш мумкин.

Парламент қурилишининг бу тенденцияси Ўзбекистонда тўла намойён бўлаётгани диққатга сазовордир. Ҳа, кўпгина бошқа давлатларда бўлгани сингари мамлакатда айрим муаммолар мавжуд, бироқ Ўзбекистонда сиёсий тузилмаларнинг трансформацияси жараёни ҳам зоҳиран, ҳам боштан тарзда давом этаётгани, сиёсий институтларнинг ривож-

ланаётгани ҳамда фуқаролик жамияти кўринишлари пайдо бўлаётгани ҳам шубҳа йўқдир. Покитон Ислам Республикаси Олий Суди адвокати Тарик Билоннинг фикрича, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари суриляётган қонунлар сиёсий партиялар фаоллигини оширади.

— Диққатга сазовор жиҳати шундаки, мазкур ҳужжатлар конструктив муҳолифатни шакллантириш шарт-шароитларини қонун даражасида белгилаб бергани ҳолда вилоят ва шаҳар кенгашлари депутатларига вилоят раҳбари фаолиятини назорат этиш юзасидан кенг ваколатларни беради, — деди Т.Билон. — Бу эса депутатларнинг сайловчилар олдидagi бурчдорлиги ҳамда масъулиятини янада оширади.

«Жаҳон» АА

• Ватан ҳимояси — олий шараф АСКАРЛАР ҚАСАМЁДИ

Айни кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари сафига қўшилган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Хивада жойлашган ҳарбий қисм командири майор Икром Ҳожиёв ҳарбийлар, ота-оналар ва фахрийлар иштирок этган тантанали маросимда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан соҳада олиб бориляётган исчил ислохотлар ўз самарасини бераётганини, армия ёшларимизни маънан ва жиҳмонан камолга етказадиган ўзига хос ҳаёт мактабига айланаётганини алоҳида таъкидлади.

Ҳарбий қисмга ташриф буюрган ота-оналар, жамоатчилик вақиллари аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар.



Мухаммад АМИН (ўзга) олган сурат
Суратда: — қасамёд қабул қилиш маросимидан лавҳа

• **Ҳуқуқий ислоҳот**

ИҚТИСОДИЁТ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Президентимиз Ислам Каримов 2005 йилда мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маъҳаммаси мажлисида мамлакат иқтисодиётини янада юксалтириш мақсадида Божхона кодексининг янги таҳририни яратиш масаласи кун тартибда турганлиги, мазкур кодекс барча божхона процедуралари бажарилишининг очиқлигини таъминлаши, ички бозорни сифатсиз контрабанда маҳсулотлари кириб келишидан ҳимоялашга қаратилиши, бевосита таъсир кучига эга бўлган норматив ҳужжат бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган эдилар.

Ушбу долзарб масала ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Хукумати-нинг фармойиши асосида турли вазирлик ва идоралар вакилларида иборат таркибда Ишчи гуруҳи тузилиб, жорий йилнинг биринчи ярми давомида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишнинг асосий концептуал ёндашувлар лойиҳаси тайёрланди. Давлат қўмитасида Божхона кодекси янги таҳрири лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган қатор давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу учрашувларда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Евробожхона экспертлари, халқаро юк ташувчилар, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари бўлган йирик корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этиб, лойиҳа юзасидан ўз таъбири ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Амалдаги Божхона кодекси 1997 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва ушбу ҳужжат 1998 йилнинг 1 мартидан амалиётга жорий этилган бўлиб, 178 моддадан

иборат.

Тақлиф қилинаётган қонун лойиҳаси божхона маъмуриятчилигининг янги мафкура-сини ифодалайди. Агар амалдаги Божхона кодекси руҳсат бериш хусусиятига эга бўлса, янги лойиҳа хабардор қилиш хусусиятидаги ҳужжат ҳисобланади.

Лойиҳаниннг энг муҳим мақсадларидан бири — ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибини эркинлаштиришдан иборат. Шу сабабли божхона тизимини такомиллаштириш, унинг ташқи савдони ривожлантиришга қўмаги божхона органлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган аниқ юридик механизмлар билан таъминланиши керак.

Лойиҳани ишлаб чиқишда қуйидаги тамойилларга амал қилиниши таъминланган:

- божхона процедураларини уйғунлаштириш ва содда-лаштиришга қаратилган халқаро конвенциялар талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий божхона қонунчили-гимизни ушбу конвенциялар билан уйғунлаштириш;
- давлат савдо манфаатларининг оқилона мувозанатини таъминлаш;
- божхона расмийлаштируви ва назоратни амалга ошириш ишларида илгор ахборот технологияларини жорий этиш;
- божхона маъмуриятчили-гини ислоҳ қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратиш.

Лойиҳани яратиш ишига халқаро экспертлар ҳам жалб этилиб, уларнинг тавсиялари бўйича Европа Иттифоқи ва Евроосиё Иқтисодий Ҳамжа-мияти мамлакатлари тажриба-сини ҳисобга олган ҳолда янги қонунни қўллаш қўлай бўлиши учун ички норматив-ҳуқуқий ҳужжат — Божхона кодекси ва «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуннинг қоидалари бирлаштирилди.

Лойиҳа 14 бўлим, 65 боб, 518 моддадан иборат. Унинг биринчи вариантыда 600 дан ортиқ модда бор эди. Бироқ ҳозирги вақтда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-

дексни янгилаш бўйича фаол иш олиб борилаётганлиги, унга божхона ҳуқуқбузарлик-ларига тааллуқли моддалар киритилиши боис Ишчи гу-руҳи унинг қоидаларини так-рорлашни мақсадга мувофиқ эмас деб топди.

Лойиҳа Ўзбекистон Респу-бликаси Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳа-ларининг қоидалари билан уйғунлаштирилган.

Ўз моҳиятига кўра қонун лойиҳаси амалдаги Божхона кодексида тубдан фарқ қилади. Унда бошқаришнинг иқтисодий усуллари устун тура-ди. Шу сабабли лойиҳа божхона процедуралари ва расмийлаштириш билан боғлиқ меъёрларни ўз ичига олади.

Лойиҳаниннг ижобий томон-ларидан бири шундан иборатки, у товарни олиб кириш ва олиб чиқишдан бошлаб, унинг тақдирини белгилашга қадар бутун экспорт-импорт заңирининг тартибга соли-ниши назарда тутилди. Амалда-ги Божхона кодекси эса ушбу масалаларни бундай комп-лекс равишда қамраб олман-ган эди.

Лойиҳага «Товарларни хал-қаро почта жўнатмаларида олиб ўтиш», «Валюта назорати», «Интеллектуал мулк объектларини божхона органлари томонидан ҳимоя қилиш», «Товарларни қувур транспортда ва электр узати-ш линиялари бўйлаб олиб ўтиш», «Божхона иши соҳа-сида хабардор қилиш ва мас-лаҳат бериш» сингари боб-лар қўшимча равишда кири-тилди.

Охириги бобда, божхона иши соҳасида хабардор қилиш ва маслаҳат бериш масалаларига тааллуқли қоидалар ёки маслаҳат бери-шининг аниқ муддатлари, жойи ва вақтини белгилаш масалалари батафсил баён этилган. Шу билан биргалик-да лойиҳада божхона иши соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжат-ларни ўз вақтида чоп этиш, божхона органлари ишти-ришида бўлган ахборот ресурслари-ни умумий ва очиқ фойда-

ланиш учун тақдим этиш бўйича махсус меъёрлар бел-гиланган.

Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари сирасига қуйида-гилар кирди:

Тушунтиришлар мажмуини аниқлаштириш, божхона назорати ва расмийлаштирувини содда-лаштириш ҳамда де-таллаштириш, божхона тўловлари тизимини тако-миллаштириш, товарнинг кели-б чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича қоидаларни аниқлаштириш, божхона органларининг валюта назорати амалга оширишда иштирок этиши ҳамда интел-лектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини ўрнатish ва уларни амалга оширишда божхона органла-рининг ролини белгилаш ва ҳоказо.

Лойиҳа қуйидаги уч базавий ёндашишда ифодаланган: божхона процедураларини содда-лаштириш, божхона назоратини амалга оширишнинг асосий стратегияси бўлган таҳлил ва хавфни бошқариш ҳамда кодекс янги таҳрири лойиҳасига киритилаётган меъёрларни амалга ошириш-нинг зарур шарт бўлган биз-нес билан ҳамкорлик.

Шу тарихда божхона проце-дуралари ТИФ (ташқи иқти-содий фаолият) иштирокчи-ларининг харажатлари нўқтай назаридан оғир бўлмаслиги учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Олдиндан дек-ларациялаш, товарлар эркин муомалага чиқарилганидан кейинги назорат — буларнинг ҳаммаси савдо айланмасига жиддий таъсир кўрсатади. Лойиҳаниннг қоидалари қонун йўли билан қўзғали технологиялардан воз кечган ҳолда ТИФ субъектлари томонидан ҳужжатлар ва маълумотлар берилишининг электрон шак-ллари қўлланган ҳолда бож-хона расмийлаштирувини амалга ошириш имконияти-ни юзага келтиради.

Бугунги кундаги ялпи назоратдан фарқли равишда тек-ширишларнинг янада мосла-шувчан дастаги тақлиф қилинмоқда. Бунда ҳуқуқбу-

зарликларнинг хатарлари аввалдан аниқланиб қо-май, балки устувор божхо-на фаолияти ҳам белгила-нади. Қонун лойиҳаси бож-хона хизмати барча ҳуқуқбузарликлардан барқарор тўсда бўлган, давлат манфаатларига жиддий даҳл қиладиганларини тан-лаши кераклигини назарда тулади. «Қараб текшириш» назорат қоида-сини «ўйлаб таҳлил қилиш» қоида-сига алмаштириш зарур. Барча товарлар ва субъектлар-нинг ҳужжатларини ялписи-га жисмоний назорат қилиш ўрнини ҳам таҳлил ва хав-фни бошқариш асосида танлаб текшириш эгалла-йди.

Кодекс лойиҳаси божхо-на процедураларини содда-лаштириш ва уйғунлашти-риш бўйича халқаро кон-венциянинг (Киото) 1999 йилдаги таҳрири, Европа Иттифокнинг Божхона ко-декси, Евроосиё ИҲга аъзо давлатлар божхона кодек-слари қоидалари билан уй-ғунлаштирилган.

Шу қўнларда виллоятлар-да лойиҳани муҳокама қилиш ишлари йўлга қўйил-ган. Айни паллада тадбир-корларимиздан мазкур жа-раёнга бефарқлик билан қарамай, аксинча фаол бўлишлари талаб этилади. Лойиҳа Давлат божхона қўмитасининг халқаро ин-тернет тармоғидаги «www.customs.uz» ва Савдо-саноат палатасининг «www.chamber.uz» сайтла-рига жойлаштирилган бўлиб, идораларо Ишчи гуруҳи лойиҳани такомил-лаштиришга доир фуқаро-ларимизнинг тақлифлари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда иш юритади.

Зеро, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксали-шида муҳим ўрин тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лардан бири — Божхона ко-декси янги таҳрирининг пухта ишлаб чиқилишидан барча манфаатдордир.

Садиқрон НАСИРОВ,
Давлат божхона
қўмитаси раиси

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ АРАФАСИДА

Эстония президенти Томас Хендрик Ильвес навбатда-ги парламент сайловларини 2007 йилнинг 4 мартига бел-гиллади.

Миллий телевидение орқали чиқиш қилган президент парламентнинг XI таркибига сайлов ҳақидаги фармонни «амалдаги ва муҳолиф партиялар фаолияти натижасида жамиятда беқарорлик ва зиддиятлар кучайгани ҳамда партия манфаатлари давлат манфаатларидан устун бўлиб бораётгани сезилаётган қалтис бир пайтда» имзолаётгани тўбора аниқсизлашаётган. Ва буни олдини олишнинг биргина йўли бор, у ҳам бўлса ишончини кучайтириш.

Президент номзодларга одилона сайлов кампанияси ўтказишни маслаҳат берди. Давлат раҳбари бу кампа-нияда қонунбузарликлар ҳамда сиёсий рақибларни қоралаш бўлмаслиги кераклигини ҳам ўқитди.



ЖАБРДИЙДАЛАР СОНИ ОШИШИ МУМКИН

Филиппинда «Дуриан» тай-фуни келиши туфайли 146 на-фар одам ҳалок бўлди. Тай-фуни оқибатида келиб чиққан кучли ёмғирлар сел оқимлари-ни кучайтиришга сабаб бўлди. Сел Манила жануби-шарқиди-га иккита қишлоқни барбод қилди. Яна бешта қишлоқ тур-ли даражада талафот кўрди.

Ҳалокат юз берган ҳудудда кўтқарув ишлари давом этмоқ-да. Ҳукумат вакиллари табиий офатдан жабр кўрганлар сони ошиши мумкинлигини айтиш-ди.

Филиппин ороллари ҳар йили ўнлаб тайфуналардан азият чекади. Сентябрь ойида улардан бири 200га яқин одам ҳаётга зомин бўлди.

ИНАУГУРАЦИЯ МАРОСИМИНИ БУЗМОҚЧИ

Фелипе Кальдерон жума куни Мексика президенти лавозимига тайинланди. Шу муносабат билан уюштирилган тадбир Мехико президенти саройида бўлиб ўтди.

Расман Голлиб дей эълон қилинган Кальдероннинг сиё-сий рақиблари, у сўзлар натижаларини сохталаштирган деб ҳисоблаб, инаугурация маросимини бузиш ниятида эканларини айтишди.

ХАЛҚАРО ЖИНОЙИЙ ГУРУҲ ФОШ ЭТИЛДИ

Белорусия Ички ишлар вазирлигининг юқори техноло-гиялар соҳасидаги жиноятлар билан шуғулланувчи бўли-ми хорижий банклар ва виртуал дўконлар маблағларини ўзлаштириш билан шуғулланувчи халқаро жиноий гуруҳ-ни фош этди.

Жиноятчилар маблағларни асосан АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Россия, Молдавия ва Беларусия банклари, интернет дўконлари ва фуқароларнинг ҳисоб рақамлари-дан ноқонуний равишда олишган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ўзлаштирилган маб-лағ бир неча юз миң долларни ташкил этади.



ИНТЕРНЕТ ҲУЖУМИДАН ОГОҲЛАНТИРДИ

Америка ҳукумати «Ал-Қоида» террорчилик гу-руҳи АҚШнинг интернет-фонд бозори ва тармоқ банк хизматларида ҳужум қилиши мумкинлигидан огоҳ-лантирди. Тарқатилган ха-барда бу ҳужумлар яқин ора-да бошланиб, декабрь ойи мобайнида давом этиши мумкинлиги айтилган.

Террорчилик гуруҳи сайт-ларининг беридаги эълонга кўра, «Ал-Қоида» шу йўл билан Кубадаги Американинг «Гуантанамо» базаси қамқо-қонасидаги маҳбуслар ҳақи ҳам чиқариб юборилаётганига жавоб қайтаришни ре-жалаштирган.

Бироқ, АҚШ миллий хавф-сизлик хизмати вакили Расс Ноке Вашингтон бу ҳужум-лар ҳақиқатдан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмаслигини таъкидлади.



• **Эртага — ногиронларни ҳимоя қилиш халқаро куни**

МЕҲР МАСКАНИГА ТУҲФА

ЯҚИНДА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН КОСОНСОЙ ТУМАНИДАГИ 23-«ЛОЛА» МАХСУС МАКТАБГА ТАРБИЯ МУАССАСАСИГА 18,5 МИЛЛИОН СЎМЛИК ҲЎЙН МАЖМУИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

102 нафар ўғил-қиз... Ҳар бири махсус қаровга муҳтож. Мавжуд 10 та гуруҳнинг 3 таси 24 соат-лик иш режимида эга. Бу ерда гуруҳлар рақамланмайди, балки болалардаги мавжуд нуқсонда келиб чиқиб номланади.

Кун тартиби, машгулотлар, ёзув-чикув, нутқ ўстириш, жис-моний тарбия, қўйинчи ҳар бир ҳаракат жараёнида алоҳида пе-дагогик ёндашув талаб этила-ди. 60 нафардан иборат жамо-аниннг 30 нафари махсус мала-ка ва тажрибага эга бўлган пе-дагог ҳодимлар.

— Бизда ишлайдиган ҳар бир ходим — педагог-тарбиячи ҳам, оддий ходим ҳам фидойи бўли-ши лозим, — дейди боғча му-дираси Ханифа ЖАЛОЛОВА. — Тарбияланувчиларимизнинг 36 нафари ақлан заиф. Уларнинг парваришига қараш учун авва-

мо виждон амри, чин инсоний меҳр талаб этилади.

— Болаларимиздан ўқитувчи бўлишни оруз қилсан-да, нега-дир ўзимда махсус тарбия му-ассасаларида ишлашга иштиёқ сезардим, — дея суҳбатга қўши-лади услубчи Дилфузакон Ва-лиева. — Бундай жойда ишлаш педагог учун унча қийин эмас, қачонки касбига виждонан ёнда-шиб, ўзида қучли ирода топа олса. Бу ерда ишлайдиганлар-нинг бошқа таълим масканла-рида ишлаб кетиши қийин. Ҳат-то оддий тартибдаги муассас-аларида ишлайдиган ҳамкасб-ларимизга ҳам бизнинг болалар билан ишлаш услубимиз, муо-мала-муносабатларимиз эриш-туолади.

Дарҳақиқат, 17 нафар таянч ҳаракатида, 33 нафар нутқиди-нуқсонли болалар, 16 нафар кар-

соқов, 36 нафар ақлан заиф бо-лаларнинг келажаги ҳақида қай-ғуриш, уларни, соғломлашти-риш бўйича аниқ сазй-ҳарақат-лар олиб бориш бугун бу мас-ка ҳодимларининг асосий иши-га айланган.

— Агар муассасамизда тар-бияланаётганлар ижобий томон-га ўзгармаса, боғчамиз фаоли-яти тилга тушармиди, — дейди логопед Фотима Эргашева. — Айниқса, нутқиди нуқсонли бор-нлар бутунлай соғайиб, кўрма-гандек бўлиб кетишади. Ҳатто, таянч ҳаракатида нуқсонлилар ҳам 30 фоиз ижобий ўзгаришга эришади.

Боғчадаги бундай натижалар туфайли ақлан заифларнинг ўқитишга ихтисослашган 3 та бошланғич синф очилган. Унга виллоят микёсида болалар қабул қилинади.

Яқинда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан боғчага тақдим этилган ушбу «ўйин мажмуи-нинг соғломлаштириш йўнали-шидаги бир қатор афзаллик-ларга эга эканлиги барчани бирдек қувонтирди.

«Zerotax SmbH» компанияси ҳомийлигида туҳфа этилган ўйин мажмуи тақдимотида рес-публика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси-нинг ижрочи директори Дил-бар Алимқонова, Олий Маж-лис Сенати аъзоси, туман хоҳими Икромжон Каримов, республика Маънавият тарғи-бот маркази виллоят бўлими раҳбари, ЎзАДП Наманган ви-лоят кенгаши раисининг ўрин-босари Зиёвуддин Мансуров ва бошқалар иштирок этдилар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

• **Жиноятга жазо муқаррар**

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

ЁКИ ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА

Гиёҳвандликнинг асорат-лари ҳақида кўп гапирмиз. Уни оилаларни бузувчи, наслга қирон келтирувчи заҳри қотил сифатида лан-натлаймиз. Афсуски, меҳнат қилмай бирданига мўмай пул топиш дардида ажал уруғини ер юзи бўйлаб ёй-ишга уринаётганлар ора-мизда учраб турибди.

Гулнора Суҳрондорнинг Денос тумаларида умргузарон-лик қилиб 2000 йилгача ту-зукнига оиласи ва 3 нафар фарзанди билан эл ҳаттори яшаб келарди. 2000 йилнинг ёз ойларида гиёҳванд мод-далар олдидан сўттишини йўлга қўйди-ю, дарҳол қўлга туш-ди. Жиноятга яраша 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Кечиримлик та-моилларига амал қилаётган жамиятимиз сиёсати, тала-бига кўра аёллик, вояга ет-маган фарзандлари борлиги инобатга олиниб, «Амнистия тўғрисида»ги Фармонга асо-сан жазодан озод этилди. Бироқ унинг боши деворга урилса-да, кўзи очилмади. Афғани имконияти эмас, бал-ки имтиёзи, деб тушунди. Ими-жиммида қора ажал савдо-си билан яна шуғуллана-верди. Охири-оқибат 2003 йил ўрталарида ушланиб, Хоразм вилоят суди томонидан 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Сўнгра, жиноят иш-лари бўйича Тошкент шаҳар Мировот туман судининг

2005 йил 23 сентябрдаги аж-раимида кўра ўталмай қолган 3 йилу 10 ой муддат манзил ко-лонияга алмаштирилди. Тав-басига таянмаган Гулнора манзил колониядаги нисбатан эркинликдан фойдаланиб, қўчимасдан наша олдидан со-тидини бошлаб юборди. Ими-жиммида ҳеч қандай сезма-япти де-ган ўйдаги бу қилиги зийрак ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг назаридан четда қолмади. У 30 грамм героинни 750 АҚШ дол-ларига сотиб, жуфтаникни рост-ламоқчи бўлиб турганида қўлга тушди. Натижада унинг бор суднинг қора курсисига ўти-ришга мажбур бўлди. Гулнора Ҳасанова хавфли рецидивист деб топилди, 12 йилга озод-ликдан маҳрум этилди.

Худди шундай илгари ноҳўя хатти-ҳаракатлари эвазига икки бор судланса-да тегиш-ли хулоса чиқармаган Қаноат Бўриева озодликнинг қадри-ни англаб етмади. Фуқаро Бо-тур Азимовга 0,092 грамм ге-роин гиёҳвандлик моддасини 4 миң сўмга сотаётганда Бўриева олдидан сўтти-ди. Суд ҳукмига кўра, бу аёл ҳам энди 7 йил ақилларидан йироқда яша-шга мажбур.

Ўйлаб кўрилса, ҳар иккала аёлнинг ҳам бахтли, армон-сиз ҳаёт кечириларига қа-фолат бор эди. Чунки, фар-зандлари, оиласи бағрида эди. Яратганга шукр қилиб, бир бора берилганда умри-ни зиёда ашаганларидан аёл бош-

лари билан полхара ортида боши эгик ҳолда азиз умрла-рини ўтказишмасди.

Бундай тақдирларнинг яна айримларини ҳукмингизга ҳавола этсагиз, хулосани ўзла-рингизга қолдиросиз.

Паҳлавоний Валерий 49 ёшда, умрининг 32 йилини панжара ортида ўтказди. 15 ёшидаёқ талончилиги учун 1 йилга махсус колонияга юбо-рилади. Шундан бошланган «ҳаёт» хануз давом этмоқда. Уй-жойи, оиласидан айрил-дию, аммо танлаган йўлидан қайтмади. 2006 йил 13 июнда тунни ўтказиш мақсадида Жиззах темир йўл вокзалига келганида, шу ердаги навбат-чи милиционерлар ундан шах-сини тасдиқловчи ҳужжат сўрайди. Ёнида ҳеч қандай ҳужжатлари йўқлиги сабабли таянч пунктга олиб кириб тин-тув қилинганда, унинг ёнидан 10,55 грамм марихуанна ги-ёҳванд моддаси топилади. Суд ҳукми билан у яна озод-ликдан маҳрум этилди.

Фаллароллик 40 ёшли Раҳмонкул Эргашев 2 нафар вояга етмаган фарзандлари-ни ҳалол йўл билан боқиб ўрнига, ҳеч қаерда ишласан-дан гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланиб, болаларига ҳаром лўкма бе-ришдан ўзини тия олмади.

Ҳалол меҳнат билан, ҳалол ризқ топиб яшашнинг завқю-ғашига нима етсин!

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Жиззах шаҳар суди
раиси



ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ, ЭЪТИРОМ

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, қатор жамоат ташкилотлари, жағ-армалар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги тиббий кўмак-ка муҳтож кишилар, нуруний отахон ва онахонлар, серфарзанд оилалар фарзандлар тақлиф этилди.

Тадбирда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда аҳоли-нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатла-млари манфаатларини ҳар томонлама му-ҳофаза қилиш юртимизда амалга оши-рилаётган ислоҳотларнинг асосий йўна-

лишини ташкил этиши алоҳида таъкид-ланди. Бунда кўрсатилаётган кўмакнинг аниқ мақсадага йўналтирилганлиги ало-ҳида эътибор қаратилаётди.

Мустиқиллик йилларида мамлакатим-изда ижтимоий ҳимоянинг яхлит ва мукаммал тизими шаклланди. Унинг қонуний асослари Бош Қўмушимиз ҳамда бошқа қатор меъёрий ҳужжатларда му-стаҳкамланган. Ногиронларнинг тўлақо-ли турмуш кечирилари, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қат-нашмалари учун қулай шарт-шароит яратилди.

Мамлакатимизда Ногиронларни тиббий реабилитация қилиш концепцияси иш-лаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этил-моқда. Турли сihatтохлар, тиббиёт му-ассасалари ишлаб турибди. Юқори си-

фатли протез-ортопедик, техник воси-талар ишлаб чиқарилапти. Ўзгалар пар-варишига муҳтож кишилар мавжуд им-тиёзлардан тўлиқ фойдаланаётди. Из-чиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасидаги бундай эзгу юмушлар ҳажми янада ортгани эътиборлидир. Буларнинг барчаси жамиятимизда Пре-зидентимиз Ислам Каримов раҳбарли-гида юритилаётган кучли ижтимоий сиё-сатининг амалий натижаларидир.

Тадбирда тиббий кўмакка муҳтожлар-га тиббий, протез-ортопедик, дори-дар-мон воситаларидан иборат совгалар топ-ширилди. Улар малакали шифокорлар кўригидан ўтказилди.

Нозолат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

САЛТАНАТЛИ ТЕМУРБЕК

● Биз билган ва билмаган тарих



САЛТАНАТ ҚОНУНЛАРИ

Салтанат тахтига ўтирган, ҳаёлат нималигини унутган Темурбек бутун куч-имкониятларини Мовароуннахр атрофидаги душманлари пайни қирқишга қаратди. Бу ўта мушкул ва хал қилиб бўлмайдиган масала эди. Икки дарё оралиги кўпсонли ва яхши қуролланган армияни тузиш учун қудратли иқтисодий база вазифини ўтай олмасди. Дарвоқе, унинг Сирдарё ва Амударё ўртасидаги жўроғий-урни ҳам қучли давлат тузиш учун етарли шарт-шароитларга эга эмасди. Шунинг учун ҳам Темурбек ўз юртининг мудофаа қудратини кўзлаб, масалани бошқароқ усулда хал эттишга киришти. Шу ҳақда фикр юритар экан, у масаланинг уч жиҳати-га, яъни ўз юртида уруш ҳаракатларини олиб бормаслиқ, мудофаага ўтмаслиқ ва душманнинг зарба бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, шиддатли ҳужумларни уюштиришга эътибор қаратди. Энди армияни бирлаштириш ва тинч аҳолини сафарбар этиш биринчи галдаги бош масала эди. Темурбек қисқа вақт ичида замонар синовидан ўтиб келган ота-боболари аъналарига амал қилган ҳолда мўғуллар салтанати бўйлаб сочилиб кетган уруғ-аймоқларни бир байроқ остида бирлаштиришга эришди.

Агар Темурбек улкан салтанатни битта қонун билан бошқариб бўлмаслигини тушулмаганда, Буюк Темур даражасига кўтарилмаган бўларди. У аскар ва раият учун ҳар хил қонунлар кераклигини яхши англади. Ва бу қонунлар таҳдид, қўрқувдан устун бўлиши, буйруқларни бажаришда таҳликада қолмаслигини таъминлаши керак эди. Темурбекке инсоннинг бу сирдан воқиф бўлмаслиги мумкин эмасди. Уз одамларини жангу жадалга тайёрлашда Темурбек учун ислом дини муҳим аҳамият касб этди. Чунки шариат қонунлари Мовароуннахрни бирлаштиришга олиб келди. Шунингдек, бу қонунлар Буюк Амрининг узоқ ҳукмдорлик давомида мамлакат сарҳадларини мудофаа қилиш, раиятни жипслаштириш, қолаверса, унга садоқат билан хизмат қилиш каби ишларда жуда қўл келди. Шариат пешволари тинч аҳолини ҳушёр тутиб, фақат қонунларга риоя этишга давват этиб турдилар. Бу нарса Темурбекка

Мовароуннахрнинг бор имкониятларидан унумли фойдаланишга шарт-шароит яратди.

Буюк Амир ҳар бир ғалабасини йирик қурилиш билан нишонларди.

Бундай дабдабали ва маҳобатли биноларни қуриш учун кўпдан-кўп хунарманд ва қурувчилар зарур эди. Унинг наварлари забт этилган мамлакатлардан шундай хунарманд ва қурувчиларни излаб топишлари ҳамда уларни Мовароуннахрга жўнатишга мўлжалланган қароргоҳларга келтириб топиришлари шарт эди. Забт этилган кўпгина мамлакатлардан Самарқандга ўша замоннинг қўлиги уста-хунармандлари, сангтарошлари, ёғоч уймакорлари олиб келинди. Улар Темурбекнинг кўрсатмаси асосида бунёд этилган улкан қурилиш ишларида иштирок этдилар. Амир Темур ўзининг бунёдкорлик ишларини фақат ғалабалари шарафига бағишлаган эмас. У тақдир тақозоси билан бевақт вафот этган суюкли яқинларининг номларини ҳам унутмади. Хусусан, ҳашаматли Бибиҳоним масжид-мажмуасида ўзининг энг суюкли тан махрами — улуг мелика Улжой Туркон ога шарафига мақбара бунёд этди. Бевақт вафот этган энг суюкли набираси учун Самарқандда бетақрор мақбара қурдирдики, йиллар ўтиб бу маҳобатли иншоот ўзининг ҳам, бошқа теурийларнинг ҳам сўнгги манзилмақонига айланди.

Темурбекнинг бепоён салтанати бир-бирига туташ қўркам йўллар билан боғланган эди. Йўлларнинг оралиқларида, унча узоқ бўлмаган масофаларда қаровулхоналар, қорувулхоналар қурилган эдики, саёхатчилар бу манзилларда отларини алмаштириб олишар, қўнғилли ҳордиқ чиқаришар ва ишончли ҳимоячилари борлигини ҳис этишарди. Ана шундай йўл тармоғи тизимини барпо этгани боис ҳам Амир Темур ҳукмдорлигининг қўли узун бўлиб, ҳар қандай хабарни маълум соатларда улуг пойтахт — Самарқандга етказиш имкониятига эга эди. Ба-жарилган ишлар ҳақидаги маълумотлар унинг Девонига қўл остидаги мамлакатларнинг ҳокимларидан бир маромида оқиб келарди.

Хуфиялар доимо аниқ маълумотларни етказиб туришар, бу нарса маъмуларнинг фаолиятини назорат қилиб туриш учун

Давоми. Боши ўтган сонларда.

РАЖ КАПУРНИ ХОТИРЛАБ

Кун кеча мамлакатимизга машҳур ҳинд киноактери, барчамиз учун сеvimли бўлган Раж Капурнинг фарзандлари Ранджир ва Риши Капур, таниқли кўшиқчи Мукеш Чандра Матхурнинг ўғли Нитин таширф бурюди. Раж Капурни хотирлаш мақсадида ташкил этилаётган «Ўзбекистон — Ҳиндистон мусика оқшомлари» номли тадбир доирасида улар билан мамлакатимизнинг бир неча гушасида учрашувлар, мусиқий дастурлар ўтказилиши режалаштирилган. Жумладан, Наманганда, Самарқанд шаҳрида, шунингдек, пойтахтимиздаги «Туркистон» ва «Халқлар дўстлиги» саройларида ўзбек санъат юлдузлари иштирокида ана шундай учрашувлар бўлиб ўтади. Мазкур тадбир ташкилотчилари — Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағмармаси ҳамда Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги эл-

чихонаси.

Пойтахтимизда қапулар сулоласи вакиллари таширфи муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Факуллода ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал ҳам иштирок этди.

— Аввало ушбу тадбирни ташкиллаштиришда яқиндан ёрдам берган ташкилотчиларга, хусусан мамлакатимиз ҳукуматидаги ўз миннатдорчилигини билдираман, — деди Ранджир Капур матбуот анжуманида. — Отанинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига бўлган меҳри бўлача эди. Биз Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб, у ерда таҳсил олаётган ёшлар билан учрашганимизда, уларнинг ҳинд кино санъати, айниқса, Раж Капур сиймосига бўлган алоҳида ҳурмати яққол сезилиб турди.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» муҳбири

● Билиб қўйган яхши

ГАЗЛАНГАН СУВ ФОЙДАЛИМИ?

Россиялик Наталья Кошуба газланган ичимликлар ишлаб чиқарувчи йирик халқаро корпорация устидан йилка қозонди. У сурда корпорация маҳсулотларини ингандан кейин саломатлигига путур етгани учун товон пули ундирган. Бу ўзига хос воқеани россиялик гастроэнтеролог, тиббиёт фанлари номзоди Виктор Спахов шундай шарҳлайди.

— Умуман олганда, — дейди шифокор. — Наталья бундай нохуш ҳолатга тушганларнинг сўнгисига эмас. Наталья ҳақиқатан ҳам қола ичимлигини жуда севган. Оқибатда ГЭРБ, яъни, содда қилиб айтганда жигилдон қайнашио кекирик дарадига мубтало бўлган. Чунки, турли газланган кока-кола, фанга-кола каби ичимликларда турли газлар ташқарига чиқишга интилаваради. Бу ўз ўрнида овқат ҳазм қилиш

йўлларини қийнаб, жигилдон қайнашини келтириб чиқаради. Энг ёмони, бундай хасталик охирик оқибатда бедаво ракка олиб келиши мумкин.

Икки йил аввал ҳиндистонлик шифокорлар АҚШда сўнгги 50 йил мобайнида ана шундай ичимликларни тановул қилиш беш мартага ортгани ва бедаво дардга мубтало бўлганлар олти мартага кўпайганлигини ҳақида ахборот беришган эди. Шунингдек, Англия ва Австралия туртахсислари ҳам гази уфуриб турган бундай ичимликларга эҳтиёж олиб бораётгани ҳақида ташвишланиб гапиришганди.

Шифокорлар газланган ичимликлар ошқон ости безларини ишдан чиқариши ҳақида кўпдан бери гапирадилар. Фақат Каролинск институтининг мутахассислари бу фикр-

жуда қулай эди. Хабар етказиш тизими нафақат унинг салтанати ҳудудида, балки ундан ташқарида ҳам яхши йўлга қўйилган эди. Айғоқчилар душманнинг саёй-ҳаракатлари, унинг озиқ-овқат захираси ҳақида маълумотлар бериб туришар, шунингдек, одамлар гавжум ерларда ваҳима тарқатиб, уларнинг қўнғилларига гулгула солишарди. Худди шу тадбирлар Темурбекка доимий жангу жадалларда бўлишига қарамасдан бепоён давлатини осон бошқаришга қўмак берди. Ҳаттоки, у отда кетаётган пайтда ҳам бир ҳокимни ишдан олиб, иккинчисини тайинлаш, муаммоларни хал этиш, ўлимга маҳкум этиш масалалари билан шугуллана оларди.

Савдогарларнинг давлати худудларида унча катта бўлмаган бож ва солиқ тўлаш эвазига сарбонларга эга бўлиб, хавфсиз ҳолда тезлик билан мол-мулкларини сотиш имкониятига эга бўлишарди. Темурбек барпо этган салтанат ҳақиқатан савдо аҳли учун энг қулай бўлиб, улар йўлаб-йўлаб унинг ҳимоясида қаровулларини бошлаб кетавердилар. Улар Ҳиндистон, Хитой ва Европа билан мустаҳкам алоқа ўрнатган эдилар. Ер эгалари эса олинган йиллик даромадга қараб солиқ тўлашарди. Солиқ ҳам унчалик катта эмас, олинган даромаднинг уч фоизинигина ташкил этарди, ҳолос.

Темурбекнинг, айниқса, бузғунчиларга қарши қатъий тургани аҳамиятлидир. Шаҳар доругалари, йўл посбонлари ўғриларга қарши аёвсиз кураш олиб боришар, бунинг боиси шуки, улар ўзлари қўриқлаётган жойларда содир этилган ҳар бир ўғирлик мол учун ёнларидан тўлашга мажбур эдилар. Янги қўлиб олинган мамлакатларга ҳисобига Темурбек солиқни камайтириб борар ва бундан у албатта катта фойда қўрарди. Чунки солиқ камайтирилган минтақаларда иқтисодий ўсиш тезлашар, ўз навбатида давлат хазинасига тушадиган тушум ҳам кўпайиб борарди.

(Давоми бор). Тўлқин ҲАЙИТ таржимаси

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МОЛ-МУЛК ҲИМОЯСИ

2007 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланиш тақиқланади

Ҳозирги кунда уяли алоқа воситасидан фойдаланиш анча кенг тарқалган. Ёшу қари, ўқувчи-ю талаба, ишчи-хизматчи, барча-барчага ушбу алоқа воситаси бир қанча қўлайлик келтиради. Лекин ҳаёли, фикри, диққати телефон сўзлашувига қаратилган ҳайдовчининг йўл ҳаракати қондаларига амал қилиб автомобиль бошқаришига ким қаролат бера олади?

Ҳайдовчи руль бошқарувида. У қайсидир манзилга етиш учун шошилмоқда. Кўча ва йўлларда ҳаракатни тартибга солиш учун йўл ҳаракати қондалари жорий қилинган ва ҳар бир йўл иштирокчиси бу қондаларга амал қилиши шарт. Рулни бошқарётган ҳайдовчи турли вазиятларда, турли йўлларда, турли об-ҳаво шароити вақтида ушбу қондаларга риоя қилиши, атрафдаги пивдалар ҳамда бошқа автомобиллар ҳаракатини кузатиши, автомобиль тезлиги ва бир қанча ҳолатларга эътибор қаратиши керак бўлган бир пайтда у ана уяли алоқада ким билан, қайсидир мавзуда сўхбатлашиши... Айтайлик, тирбанд чорраҳада кетаётган автомобиль ҳайдовчиси телефон орқали яқин кишининг нохуш аҳоли ёки фалокати ҳақида хабар эшитди. Унинг бирдангина таъсирланиши, ҳаракатни тўхтатиб қўйиши ёхуд тезликни ошириб юбориши, бирор автохалокатни содир этиши мумкин.

Республикамиз ҳудудида 2006 йилнинг турган ойлари давомида ҳайдовчиларнинг йўлни сабабларга кўра қалғишлари натижасида кўпга ИТХ (йўл транспорт ҳодиса)лар содир бўлган. Айниқса,

транспорт бошқаришда телефондан фойдаланиш ҳайдовчини қалгитадиган асосий муаммо бўлиб бормоқда.

Кўпгина ҳорижий мамлакатларда рулда уяли алоқа воситасидан фойдаланиш тақиқланган. Бу қоидабузарлик ҳисобланиб, турли мамлакатларда турлича жазмалар ундирилади. Интернет маълумотларига қараганда, Францияда ҳайдовчи уяли алоқадан фойдаланиш 50-70 АҚШ доллари миқдорига моддий зарар келтиради. Америкаликлар эса 150 доллар тўлайдилар. Польшада бу ҳолат анча жиддий қоидабузарлик ҳисоблангани учун жазима миқдори 1200 АҚШ долларигача белгиланган. Германия ва Россияда ҳам жазима миқдори анчайин катта.

Тўғри, ҳозирда уяли алоқанинг турлари, айнан ҳайдовчилар учун қулай бўлган русумлари мавжуд. Ҳайдовчи сўзлашиб туриб, жисмонан автомобилни бемалол бошқариши мумкин. Лекин, ҳар қандай ҳолатда маънан унинг бошқариш қобилияти анча сусаяди. Олимларнинг фикрича, ушбу ҳолатда автомобиль бошқаришда йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиш эҳтимоли 6 баробаргача ортади. Мельбурн университетининг профессори Кона Стоунинг узоқ кузатувлардан хулоса қилишича, одатда уяли алоқадан кўп фойдаланган инсонлар миясида қатъиятсизлик, ҳаракатда сулласиш пайдо бўлар экан. Бунга электромагнит тўлқинлари сабабчи эмиш. У 120 нафар кўнғиллиларда тажриба ўтказганида, 70 фоизда ушбу ҳолатни кузат-

ган. Биз биламизки, қатъиятсизлик, суст ҳаракат йўл-транспорт ҳодисасининг аянчли оқибатларини келтириб чиқаради.

Республикамизда бу масалага жиддий эътибор берилиб, транспорт воситаларини бошқариш чоғида ҳайдовчиларнинг мобил алоқа воситаларидан фойдаланиши муносабати билан авариялар юз бериши эҳтимолини камайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Унга кўра, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб, ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланиши тақиқланади. Қарордан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик Кодексига ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бу қарор вақтида қабул қилинган, деб ўйлаймиз. Энди ҳайдовчилар рулда эътиборлироқ бўлишга ҳамда ўзи ва ўзга-ўзга соғлигини хавф-хатарга қўйишмайди, ИТХлари кескин камаяди, деган умиддамиз.

Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник



XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ КУНДАЛИГИ

3:2, ҚХДР — Сурия — 0:0.

Бугун ўтказилган иккинчи тур учрашувларида қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашди: «А» гуруҳи. БАА — Иордания, Ўзбекистон — Қатар. «В» гуруҳи. Баҳрайн — Бангладеш, Вьетнам — Жанубий Корея. «С» гуруҳи. Қирғизистон — Таиланд, Кувейт — Фаластин.

БАСКЕТБОЛ

Ушбу спорт тури бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси китъа олимпиадасида илк мартаба таширок этмоқда. Шу боис, мусобақа низомига кўра, жамоатларимиз бахсларни асосий учрашувлар-



га йўлланма берувчи саралаш босқичидан бошлашди.


Вакилларимиз дастлаб Мўғулистон баскетболчиларини 102:66 ҳисобида енгиб, хал қилувчи баҳсда Фаластин терма жамоасини (78:60) мағлубиятга урчати. Энди Олег Левин шоғирдлари Осие ўйинлари «В» гуруҳида китъамизнинг етакчи терма жамоалари саналган Хитой, Ливан, Қозоғистон, Япония, БАА баскетболчилари билан чорак финал йўлланмаси учун куч синашди.

СТОЛ ТЕННИСИ

Мамлакатимиз қизлар терма жамоаси гуруҳ бахсларига ки-

ришти. Нуфузли мусобақада айрим сабабларга кўра, юртимизнинг етакчи спортчилари Манзура Иноятова, Саида Бурхонхўжаеваларнинг қатнашмаётгани таъбиридан пайдаланиш керак. Дастлабки ўйинда Ҳиндистон терма жамоасига 0:3 ҳисобида ютқазган қизларимиздан кейинги турда ҳам омад юз ўғирди. ҚХДР вакиллари билан кечган учрашувда ҳам кўридаги натижа қайд этилди.

Эркин ХОЛБОБО
Суратларда: мусобақадан лавҳалар.



КЛИЧКО МАСКАЕВ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛМОҚЧИ

IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, оғир вазли боксчи Владимир Кличко Николай Валеев билан эмас, балки Олег Маскаев билан жанг қилмоқчи экани эълон қилди. Украиналик боксчининг гапларига қараганда, Валеев билан жанг қилиш унинг иш юритувчиси фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан. Умуман Кличко кейинги пайтларда кучли боксчилардан саналган WBA йўналишидаги Николай Валеев, америкалик Шэнном Бриггас (WBO йўналиши) каби чемпионлар билан жанг қилиш ордусида эди.



Нихоят, у Маскаевни танлади. «Олег ажайиб боксчи, — дейди Кличко. — У америкалик Хасим Рахмонни нокаут қилганини ҳамма билади. Маскаев чарчаган, яхши жанг қилолмайди, деган гаплар бемаънилик». Эслатамиз, Олег Маскаев 10 декабр кун Москвада угандалик Питер Окейлогга қарши иккитўри жангда ўз унвонини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон ХДП Ташкент вилояти Кенгаш Ижроия қўмитаси вилоят партия кенгаши раиси уринбосари Файзулла Эшонхўжаевга акиси

Иомат ЭШОНХЎЖАЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия ихор қилади.

Ҳорижий манбалар асосида тайёрланди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Turobjon JO'RAYEV Feruz NAZIROV Ulug'bek MUSTAFOYEV Baxtiyor DO'SJONOV Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Nomoz SA'DULLAYEV Akbar JONUZOQOV Muslihdin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO' LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13 Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Ekologiya va salomatlik 133-44-55 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va omamviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUHBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-22-32 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta shehnbao, poyshabno va shabno kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi. 7112 nusxada bosildi 1 — Tuzoqat materiyasi O'Z A yakuni — 21.30 Topshirish vaqti — 2 3 4 5 6 Sotuvda erkin narxda